



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 14 октябрь, № 199 (5366)

Жума

ХАЛҚАРО ПАХТА БОЗОРИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган аънанавий VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг хорижлик экспертлар шундай баҳолашмоқда.



Ўзбекистон пахтачиллик тармоғи жаҳонда жадал ривожланиётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда биз пахтани экспорт қилиш бўйича дунёда учинчи ўринни банд этиб турганимиз бунинг яққол далилидир. Яна ҳам қувонарлики, Президентимиз раҳнамолигида пахта ҳам ашёсини чуқур қайта ишлаш, экспортбоп санат маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда кўпайтириш, ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисида республикамизда тўқимачилик ва енгил санат ҳам изчил та-

раққий этиб бораёпти. “Пахта ва тўқимачилик: бозорнинг янги истиқболлари” VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари унинг ишида нафақат ўзбек толасини тўғридан-тўғри харид қилиш, балки иқтисодий тармоқнинг муҳим тармоқларида рўй бераётган янгиланишлар билан яқиндан танишиш имконияти яратилганини алоҳида қайд этганликлари ана шундан далолатдир. Дарҳақиқат, мазкур ярмарканинг иккинчи кунда хорижлик соҳа мутахассислари ва трейдерлар пахта ҳам ашёсини бирламчи қайта ишлаш, толани харидорларга етказиб бериш хизмати, шунингдек, қалава ип ва тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш жараёнлари билан бевосита жойларда танишишга муваффақ бўлдилар. Меҳмонлар шу аснода Ўзбекистонда ҳам ашё етиштириш, уни сифатли қайта ишлаш, маҳсулот-

ни буюртмачиларга кафолатли равишда етказиб бериш бўйича мустақам тизим яратилганига яна бир қарра амин бўлганликларини эътироф этдилар. Буларнинг бари республикамизда пахта санати корхона ва ташкилотларининг бошқарув тизимини такомиллаштириш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ишларига жиддий эътибор қаратилаётгани самарасидир. Зеро, юқори сифатли маҳсулот замонвий ускуналар ёрдамида тайёрланиши аниқ ҳақиқат. Хом ашёни дастлабки ишловга тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналар техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланишдан кўзланган мақсад-муддао ҳам ана шундан иборатдир, аслида.

(Давоми 2-бетда).

Франция пойтахтидаги “Porte de Versailles” кўрғазмалар марказида 33-Халқаро “TOP RESA” сайёҳлик кўрғазмаси бўлиб ўтди. Ушбу мамлакатнинг энг йирик анжуманларидан бири саналадиган мазкур кўрғазмада 100 дан зиёд давлатдан ташриф буюрган миллий сайёҳлик маъмуриятлари, туроператорлар, тури меҳмонхона ва авиакомпаниялар, шу жумладан, Ўзбекистон вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Париждаги «TOP RESA» халқаро сайёҳлик кўрғазмасида

Маълумки, юртимиз сайёҳлик индустриясининг салохияти жуда катта. У, аввало, қўлай жўрғойи жойлашуви, табиатнинг гўзал ҳамда ранг-баранглиги, мавжуд бой ва бетакор маданий-тарихий мерос билан изоҳланади. Таъкидлаш жоизки, Европада ўтказилган бундай нуфузли анжуманларда қатнашиш Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва тобора юксак марралар эгалланаётган буғунги нуносиб намойиш этиш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади. Бу йилги “TOP RESA” кўрғазмасида республикамизнинг улкан сайёҳлик салохиятини Самарқанддаги “Orient voyages” сайёҳлик компанияси билан бирга, Франциянинг мамлакатимиз бозорида муваффақиятли фаолият юритаётган қатор туроператорлари ҳам намойиш этдилар. 2012

йили Ўзбекистон бўйлаб уюштирилган сайёҳлик йўналишлари мазкур юртимиз Осис мантақаси бўйича иқтисодлаштирилган “Asia Voyages”, “STI Voyages”, “Nouvelles Frontieres” ҳамда “FRAM” ва бошқа қатор сайёҳлик компаниялари каталогларидан жой олгани ҳам бежиз эмас, албатта. Франциялик туроператорлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган амалий тактиклар эса Ўзбекистоннинг замонавий сайёҳлик салохиятини Франция туризм бозорига олғари суриш, кўп сонли Франциялик сайёҳлар эътиборини мамлакатимизга кенг жалб этиш имконини яратмоқда. “Жаҳон” АА муҳбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида Франциялик туроператорлар мазкур ҳамкорлик

тараққийнинг ёрқин истиқболлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. — Компаниямиз 2003 йилдан буён Ўзбекистон йўналиши бўйича фаолият кўрсатиб келаётган, — дейди “Amslav Tourism” сайёҳлик компанияси менежери Гералдин Шашурин. — Шуниси эътиборга лойиқки, ўтган давр мобайнида маҳаллий аҳоли ўртасида мамлакатнинг бўйлаб саёҳатга чиқиб истагани билдираётганлар сони ошаётгани кузатилапти. Дарҳақиқат, ўрта аср меъморийлиги ва нақш санъатининг бетакор намуналарини муҳасам этган ноёб ёдгорликлар, мавжуд замонавий меҳмонхона инфратузилмаси, очиккўнгил ва меҳмондўст ўзбек халқи Франциялик сайёҳларни тобора кўпроқ жалб этмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ЧЕХИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида мамлакатимизга ташриф буюрган Чехия Республикаси Парламенти Сенатининг Таълим, фан, маданият, инсон ҳуқуқлари ва муносабатлар қўмитаси раиси Яромир Ермар раҳбарлигидаги парламент делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги алоқалар кўллаб соҳалар қатори парламентаризм йўналишида ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Томонлар Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларини муҳкам қилди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Шу кун Чехия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎЗА).

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида мамлакатимизга ташриф буюрган Ҳиндистон Республикаси алоқа ва ахборот технологиялари давлат вазири Сачин Пайлот раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Музокара чоғида Ўзбекистон Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар кўллаб соҳалар қатори алоқа ва ахборот технологиялари йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи доирасида имзоланган ҳуқуқатларро ўзаро англашув меморандуми ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Ҳиндистон делегацияси аъзолари Тошкент ахборот технологиялари университетини, пойтахтимиздаги Жавоҳарлал Неру номидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази таъкидладилар. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистонда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича қўшма саъй-ҳаракатлар режасига оид масалалар муҳокама қилинди. Ҳиндистонлик меҳмонлар юртимизда ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларни жорий этиш ҳамда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. Ҳиндистон делегацияси аъзолари Тошкент ахборот технологиялари университетини, пойтахтимиздаги Жавоҳарлал Неру номидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази таъкидладилар. Мулоқот чоғида мамлакат-

(ЎЗА).

Дил сўзи

Юртбошимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятига ташрифи чоғида биз, деҳқон ва фермерлар билан самимий мулоқотда бўлдилар.

Кўнглимиз нурга тўлди

Вилоятимизда кўллаб жабҳаларда эришилаётган ютуқлар, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ижобий натижалар эътирофи бизни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.

Олтариқ тумани пахта даласидаги учрашувда Президентимиз менга юзланиб, “Телевизорда галлчилик соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида тўқинланиб гапирган фермер Лолахон сиз бўласизми?” деб сўраб қолдилар. Очиги, бундан ҳаяжонланиб кетдим. Ахир биз, ер эгалари меҳнати ҳамиша давлатимиз раҳбарининг эътибору эътирофига сазовор бўлаётгани кувонтиради кишини.

Дарҳақиқат, бугун фермерлик ҳаракати мамлакатимиз бўйлаб кенг қўл очиб улгурди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар самараси ўларок, ерга муносабат ўзгарди. Пировардидан нафақат пахтачиллик ва галлчилик, балки богдорчилик, чорвачилик, полиз экинлари етиштириш тармоқлари ҳам жадал ривожланиб, аҳоли дастурхонини тўқинлиги, турмуш фаровонлиги таъминланаётган.

Мен раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги ерлари, асосан, кўрпик майдонлардан иборат. Илгари бу ерлар ҳосилдорлиги ниҳоятда паст, қум барханлари билан қопланган эди.

(Давоми 2-бетда).

ЧИРОЙЛИ, ҚУЛАЙ, ШИНАМ



Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз қишлоқ жойларида бошланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши изчил давом эттирилмоқда. Пишиқ гиштдан барпо қилинган, қўлай шaroитларга эга бу иморатлар ҳаммага маъқул бўлмоқда.

Бунёдкорлик

Мирзобод туманидаги “Тошкент” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги қишлоққа “Мустақилликнинг 20 йиллиги” номи берилди.

— Биз шундай улғу ва азиз ном билан аталувчи қишлоқда яшаётганимиздан фخرланамиз, — дейди беш хонали хонадон сохиби, тадбиркор Бекзод Олимов. — Уйларимизнинг поли яши, сантехникаси жойида, иссиқ сув учун “Аристон” мосламаси қўйилган, эшик-ромилири замонавий. Яна нима керак бир оилага?

Бу ерда бир йўла ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида 90 ўринли 26-сонли мактаб, замонавий врачлик пункти, болалар майдончаси, спорт майдончаси, тўйхона ҳам қуриб битказилгани,



айниқса, эътиборга лойиқдир. — Янги массивга давлатнинг 35 миллион сўм маблағи ҳисобидан 1630 метрлик газ тармоғи тортилди, — дейди Мирзобод тумани газлаштириш идораси бош муҳандиси Шавкат Худобер. — Бундан ташқари, газ тақсимлаш қурилмаси, ҳар бир хонадонга эса газ ўлчагичлар ўрнатилди. — Қишлоқни узлуксиз электр қуввати билан таъминлаш учун 32

та симёғоч орқали 1100 метр сим ҳам тортилди, — дея сўхбатга қўшилишга тўқнаётган мазкур муҳандис Мурод Содиков. Айниқса, “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Сирдарё минтақавий филиали томонидан Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламин кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, қишлоқ қиёфаси ва

аҳоли тураржой шaroитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш мақсадларига узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилгани натижасида вилоят бўйича 2009 йилда экспериментал равишда 60 та, 2010 йилда 275 та уй-жой қурилиб, эгаларига топширилгани диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

ФУҚАРОЛАР АХБОРОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТИ

Бугунги кунда мамлакатимизда ахборот соҳасида босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ҳамда эркинлигини ўзида муҳасам этган бўлиб, бу юртимизда демократик жамият асосларини барпо қилишнинг муҳим шarti, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ҳар бир фуқаро фикрлаш, сўз ва эътиқод, шунингдек, истаган ахбо-

ротини излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган бўлиб, Асосий Қонуни-нинг аинан шу нурма-

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

сига мувофиқ, мустақиллик йилларида ўндан зиёд қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар эса аҳолининг ахбо-

рот олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини рўзба рўзга қишлоққа келиб, одамларнинг улғайиб бораётгани ҳам қўриш мумкин. Ахборот тарқатиш билан шуғулланадиган хусусий нашрлар, нодавлат теле ва радиостудиялар, агентликлар фаолияти йўлга қўйилди. Интернет ахборот алмашилувида энг қўлай усул сифатида турмушимизни тўлиқ қамраб олмақда.

Натижада оммавий ахборот воситаларининг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шaroитлар юзга келиб,

(Давоми 2-бетда).

ЧУҚУР ЎЙЛАБ ИШ ТУТИШ ЛОЗИМ

Кексаларимиз дуога қўл оғанда: “Ўт балосидан, сув балосидан асрасин”, дея сидқидилдан тилак билдиришади. Бу бежиз эмас. Ўнгино тошқиннинг қасофати қанчалар ёмон оқибатларга олиб келиши барчага беш кўндек аён. Эсингизда бўлса, Японияда ер қимирлиши тўғрисида келиб чиққан цунами қирғоққа ёпирилиб, минглаб одамларнинг умрига зомин бўлди, яна қанчасини хонавайрон қилди. Устига-устак, атом электр станциясини ишдан чиқарди. Ҳалокат кетидан ҳалокат юз берди.

Ҳеч кимнинг бошига ундай кунлар тушмасин. Лекин ўйлаб қолсан, фалокат шундоқ оёқ остидан, дейишади. Одам зоти шу боис ҳам етти улчаб, бир кесиб, ўйлаб иш тутмасан, бир кун, албатта, пушаймон ейиши аниқ. Кенч “Халқ сўзи” газетасида чоп этилган “Ақлидрок ва мантиқа зид хатти-ҳаракатлар” сарлавхали маколани ўқиб, шу фикрлар хаёлимдан ўтди. Макролада келтирилган далиллар ҳар бир кўнгида хаво-

Муносабат

тир ўйғотди, одамни сергак торттиради. Тўғоннинг билаңлиги 335 метр бўладиган Роғун ГЭСини тез-тез зилзила бўлиб турадиган хавфли ерда барпо этилиши ўзи бемаъниликдан бошқа нарсас эмас. Бунга яши биламиз. Лекин уни қуришга бош-қош бўлаётганлар наҳотки бунга тушунишмасан?! Тўғри, гапни тушуниш қийин бўлса, кани бўлса, халис одамни қақчириб, маслаҳат қўриб, дейди. Шундайми? Қарангки, ён қўшилари-нинг раҳбарияти ўзлари ҳолис, халқаро текширувчиларни чақириб, энди уларнинг текширувларни якунлашга йўл қўйишмаётгани қизиқ. Демак, ўзлариям Роғун ГЭСи хатарли қурилиш эканлигини, у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билишади. Билишадю аммо ўжарлик билан бўйўдан қайтишни истамайяпти, деган мулоҳаза уйғондани кишида...

Қандай бўлмасин, тўғоннинг 120 метрлик қисминини шу йил курамиз, деб жонхалак бўлаётганликларига ёқа ушлаб, тавба дейсан. Одам ўзига яна, бошқарган чоқ қазиса, шунча-

лик жонхалак бўладими? Бу нодонликми, жоҳиликми, нима ўзи?!

Президентимиз доимо барча инсонларни она-табиати асраб-авайлашга, уни қадрлашга, журмат қилишга чақириб келадилар. Ҳар бир ишга адолат нуқтаи назаридан қараш кераклигини такрор-такрор ўқтирадилар. Жумладан, Роғун ГЭСи лойиҳаси хусусида ҳам кўнги, унинг мудҳиш оқибатларидан огоҳлантириб, келажакимизни тир ўйғотди, одамни сергак торттиради. Тўғоннинг билаңлиги 335 метр бўладиган Роғун ГЭСини тез-тез зилзила бўлиб турадиган хавфли ерда барпо этилиши ўзи бемаъниликдан бошқа нарсас эмас. Бунга яши биламиз. Лекин уни қуришга бош-қош бўлаётганлар наҳотки бунга тушунишмасан?! Тўғри, гапни тушуниш қийин бўлса, кани бўлса, халис одамни қақчириб, маслаҳат қўриб, дейди. Шундайми? Қарангки, ён қўшилари-нинг раҳбарияти ўзлари ҳолис, халқаро текширувчиларни чақириб, энди уларнинг текширувларни якунлашга йўл қўйишмаётгани қизиқ. Демак, ўзлариям Роғун ГЭСи хатарли қурилиш эканлигини, у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билишади. Билишадю аммо ўжарлик билан бўйўдан қайтишни истамайяпти, деган мулоҳаза уйғондани кишида...

Келгуси авлодларимиз тинч-хотиржам, бахтли ҳаёт кечиришлари учун ҳаммамиз масъул ва жавобгаримиз. Бунга эса унутилгаси сира ҳаққимиз йўқ.

Дирором САЛИМОВА, Кўнги туманидаги «Байтўғрон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг илтий маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

АКАДЕМИК ТЎРАБЕК ДОЛИМОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолликка учради. Геология фанлари соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Тўрабек Нўмонович Долимов шу йил 12 октябрь кuni 75 ёшида вафот этди.



Тўрабек Долимов 1936 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1960 йили Тошкент давлат университетини битириб, дастлаб номзодлик, кейинчалик эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1960 йили Чотқол гидроэлектростанциясида катта геолог сифатида бошлаган Т. Долимов 50 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон Миллий университетда кафедра мудири, факультет декани, проректор, ректор каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилиб, юртимизда малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Таниқли олим минтақавий геология соҳасидаги долзарб масалалар бўйича тадқиқот ишларини олиб борди. Унлаб монография ва мақолалари мамлакатимиз, чет эл илмий жамоатчилиги ўртасида яхши маълум.

Заҳматқаш олим кўплаб ёшларнинг жонқуяр устози эди. Унинг беvosита раҳбарлигида кўплаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланди.

Т. Долимов давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, 1995 — 2004 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида фаолият юритди.

Т. Долимовнинг илм-фан ривожини, мамлакатимиз раванки йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти ва "Меҳнат шухрати" орденига сазовор бўлган эди.

Йирик олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Тўрабек Долимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Ш. СОЛИҲОВ, Т. РИСКИБЕВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Францияликларда дунё халқларининг миллий маданиятига қизиқиш катта. Шу боис уларнинг аксарияти маданий сайёҳликни маъқул кўради. Ўзбекистон эса, шубҳасиз, сайёҳликнинг ушбу йўналиши бўйича жаҳонда энг қизиқарили мамлакатлардан биридир.

Биз ўз мижозларимизга Ўзбекистон бўйлаб 8 кунлик ёки 12 кундан иборат саёҳат дастурларини таклиф қиламиз. Франциялик сайёҳлар мамлакатингиздаги меҳмондўстликни жуда яхши қадрлашади. Шу боис сўнгги пайтларда маҳаллий жамоатчилик вакиллари билан ёхуд сайёҳларга ҳамкасб бўлган ўзбекистонликлар — врачлар, олимлар, географ-

Ўзбекистон Париждаги «TOP RESA» халқаро сайёҳлик кўргазмасида

лар, тарихчилар билан учрашувлар ҳам дастурларимизга киритилишини сўраб, мурожаат қилаётганларнинг сони охири бормоқда.

Шу маънода, «TOP RESA» халқаро сайёҳлик кўргазмасида ўзбекистонлик шерикларимизнинг қатнашиши бизни ҳамини қувонтиради. Жаҳон туризм бозорига рақобат муҳити кучайиб бораётган бугунги кунда ўзаро яқин ҳамкорликда иш юритишимиз, шунингдек, саёҳат дастурларимизни доимий равишда такомиллаштириб боришимиз сон жиҳатидан тобора охири бораётган франциялик

саёҳатчиларнинг эҳтиёжларини кўнгилдагидек қондириш учун хизмат қилади, деб ўйлайман.

«Verdie Voyages» сайёҳлик компанияси менежери Алик Ландрио ўзи фаолият юритаётган ташкилот ҳам Осиё йўналиши бўйича ихтисослаштирилганини қайд этар экан, мазкур халқаро кўргазмада Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги улкан имкониятлари муносиб равишда намойиш этилаётганидан мамнунлигини билдирди. Унинг фикрича, «Ўзбекистон деганда, хорижий элларга саёҳатни режалаштирадиган францияликларнинг кўзи ўнгидан Буюк

Ипак йўлида жойлашган маҳобатли ва гўзалликда бетакрор Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива сингари афсонавий шаҳарлар гавдаланади».

— Ўзбекистоннинг сайёҳлик бозорига киришдан аввал биз таклиф қилинган имкониятларни пухта ўрганган эдик, — дейди А. Ландрио. — Юртингизда муस्ताқиллик йилларида сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш, янги меҳмонхоналар, йўллар қуриш, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, ободонлаштиришга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг кўхна шаҳарларидаги кўплаб

тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКО томонидан умумжаҳон номоддий мерослари рўйхатига киритилгани ҳам бежиз эмас. Мен хизмат тақозоси туфайли туроператорлар ҳамда Ўзбекистонда бўлиб қайтган сайёҳлар билан тез-тез мулоқот қиламан. Шуниси диққатга сазоворки, юртингизга ташриф буюрган франциялик сайёҳлар ҳамини ўзбек халқининг бой маданиятидан, бу ердаги ноёб ёдгорликлардан олам-олам таассурот ортирганларини тўлқинлашиб сўзлашади.

«Жаҳон» АА. Париж

Равшан Эрматов финал ўйинини бошқаради

Осиё Футбол Конфедерацияси ОФК Чемпионлар лигасининг финал учрашувига ҳакамлар бригадасини тайинлади.

Эътиборли жиҳати, Маълумот ўрнида айқитамиз клублари ўрта-тиб ўтамыз, Равшан сиздаги ушбу нуфузли мусобақанинг ҳал қилувчи беллашувини бошқариш хамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматовга ишониб топширилган. Унга қанотларда яна бир юртдошимиз Абдухамидулло Расулов ва кирғизистонлик Баҳодир Қўчқоров ёрдам беради.

Спорт

Эрматов бундай баҳсларни иккинчи марта бошқармоқда. Бунгача у 2007 йили бўлиб ўтган «Урава Ред» (Япония) ва «Сепанга» (Эрон) клублари ўртасидаги финал учрашувига ҳам ҳакамлик қилганди.

Фозилдин АБИЛОВ.

Таълим

Янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизнинг кўплаб мактабларидаги бошланғич синфларда информатика фани ўқитилмоқда.

Бошланғич синфда информатика дarsi

Бундан кўзланган мақсад болаларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, уларда ахборот технологияларига қизиқиш уйғотишдир. Айни пайтда мазкур фан учун методик қўлланмалар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Бошланғич синфларда ушбу фан ўқитилишининг афзаллиги шундаки, у орқали ўқувчилар бошқа ўқув предметларидан олган билим ва кўникмаларини муस्ताҳкамлаб борадилар.

Баҳридин Шайхалиев.

Реклама ва эълонлар

Халқ банки барча дизайнерларни танловда иштирок этишга таклиф этади.



Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки 2011 йил 11 октябрдан «Сизнинг банкингиз — доим сизнинг ёнингизда»

ягона концепция остида бирлашган куйидаги реклама маҳсулотлари учун бир қатор дизайн-макетларни ишлаб чиқиш танловини эълон қилади:

- стол устида турадиган календарь;
• деворий календарь;
• чўнтак календарь;
• янги омонатлар, истеъмол кредити, корпоратив бизнес тўғрисида буклетлар;
• халқаро пул ўтказмалари, пластик карточкалар тўғрисида плакатлар;
• янги омонатлар, истеъмол кредити, корпоратив бизнес тўғрисида буклетлар;
• халқаро пул ўтказмалари, пластик карточкалар тўғрисида плакатлар.

Танловда ДТ Халқ банки ходимларидан ташқари, барча хоҳловчилар иштирок этиши мумкин. Иштирокчининг ишлар сони чекланмаган.

Ўтук фонди:
1-ўрин учун — 2 000 000 сўм.
2-ўрин учун — 1 500 000 сўм.
3-ўрин учун — 1 000 000 сўм.

Ғолиблар сони — 3 киши. Макетлар ишлов форматда (300dpi, CMYK) тақдим этилгандан кейин ғолиблар билан шартнома тузилади ва муаллифлик гонорари тўланади. Ғолиб Халқ банкига мажбуриятларсиз, эътирозларга сабаб бўлмадан, эркин ҳолатда бўлиши лозим.

Танлов ишлари marketing@xb.uz электрон манзилига жўнатилиши лозим.
Дизайн-макетлар 2011 йил 31 октябрга қадар қабул қилинади.
Танлов натижалари 2011 йил 5 ноябрь кuni эълон қилинади.
Танлов ғолиби пул ютуғи билан чегараланиб қолмай, балки иждоий ишларини республика ҳудудларида қўриш имкониятига ҳам эга бўлади.

Танлов шартлари ҳақида батафсил маълумотларни банкининг куйидаги телефонлари орқали олиш мумкин: (+998 71) 150-13-73, (+998 71) 273-69-15.



Давлат-тижорат Халқ банкининг «Универсал» ютуқли омонати бўйича 2011 йил 10 октябрда Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида ўтказилган 2-ютуқлар тиражида ютуқ чиққан ҳисобварақлар РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Table with 5 columns: T/р, Ютуқ миқдори, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисобварақ рақами. Contains 70 rows of data.

Ҳайъат раиси — М. Холбоев, Гулистон шаҳар ҳокими ўринбосари
Масъул котиб — И. Уразов, Давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари

Нега бошқа плита эмас, айнан Artel ?!

Ҳозирги замон ошхонаси, бу — нафақат нонушта, тушлик ва кечки овқат тайёрланадиган жой, балки бундан ҳам ортироққ тушунчадир. Ошхона бу — ҳар бир хонадоннинг юраги бўлиб, у ерда биз ўз вақтимизнинг аксарият қисмини ўтказамиз, иш вақтидан ташқари, албатта. Одатда айнан ошхона энг шинам ва обод жой ҳисобланади ва янги даврнинг рамзи сифатида ўзига хос замонавий газ плиталари «уй ўчоқлари» ўрнини эгалламоқда.

Плитани танлаш кўпгина жиҳатлардан иборат ва ҳар бир уй эгаси бу ошхона техникаси кўп йиллар давомида хизмат қилиши шарт эканлигини билади. Ўзбекистон маиший техника бозорига Artel савдо белгиси янги ном ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарувчининг маҳсулотлари истиқболларини белгилашда бир неча омиллар ёрдам беради:

- яхши функционаллик;
• аъло сифат;
• ишонччилик ва узоқ муддатлилик;
• замонавийлик;
• чиройли дизайн.

Бу тушунчалар плита эгаларига ошхонада шинамлик ва қулайликни ҳис этишларига, турли жиҳдаги таомлар тайёрлаш, ҳар кuni ўз яқинлари ва меҳмонларни лаззатли ҳамда фойдали таом билан хушнуд қилиш имконини беради.

Artel газ плиталарининг ўзига хос хусусиятлари юқори бўлмаган нарх. Европа ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига нисбатан, Artel ўзбек газ плиталари анчагина арзон туради;

стандарт ташқи ўлчамлар. Газ плитасининг стандарт кенглиги 60 см.ни ташкил этади, бўйига эса 85 см. Бундай ўлчовлар плитани ҳар қандай интерьерга жойлаш имконини беради;

электр ўт олдириш. Газ плитаси соҳибларига қулайлик туғдириш учун ўт олдириш электр разряд ёрдамида амалга оширилиши назарда тутилган. Бунинг учун плита стандарт розеткага уланади, тугма босилганда учқун вужудга келади. Artel газ плиталари линейкасида бир йўла икки хил электр ўт олдириш усули мавжуд — стол горелкаси ва духовка горелкасини электр ўт олдириш;

газ назорат. Artel плитаси ушбу функцияси билан умуман хавфсиздир — оловнинг беҳосдан ўчиб қолиши ҳолатларида газ узатиш буткул тўхтайтилади;

термостат. Термостат, маълумки, бошқарув дастаси орқали белгиланган ҳароратни ушлаб туради. Плитанинг ҳар қандай соҳибаси бу функциянинг афзаллигига тезда баҳо беради;

гриль ва вертел. Агар сиз иштаҳани очувчи гўшти таомлар устидаги қатламларни хуш кўрсангиз, у ҳолда сизга гриль керак бўлади. Вертел таомни айлангирини имконини беради, шу сабабли қиздириш бир мезърада кечади;

таймер. Механик таймер қовуриш ва пишириш учун вақтни белгилаш имконини беради. У плита соҳибини таом тайёрлаш жараёни тугаганлиги ҳақида хабардор қилиб, автоматик тарзда газ узатишни тўхтаатади;

турли конфоркалар. Ҳар бир Artel плитаси 4 тадан конфоркага эга. Унг томон олд конфорка катта кастрюлар ва товалар учун муъжалланган. Қолган учта конфоркада эса паст оловда таом тайёрлаш яхши;

аъло дизайн. Artel плиталари бири-бирдан ранг ва ташқи безаги билан ажралиб туради. Ҳар бир ошхона учун ўлчам жиҳатдан тўғри келадиган, функциялар тўплами ва нарҳига қараб вариант топish мумкин.

Ошхона бу — ўзининг кўп сонли «яшовчилари» — ошхона анжомларини ўз ичига олган бир бутун опамдир. Artel газ плитаси сизнинг жиҳозларингиз қаторига аjoyиб тарзда кириб боради ва оилангизни кўп йиллар давомида хурсанд қилади.

Artel — доимо бирга!

Artel Together forever
GAZ PLITALARI
Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган
(+998 90) 966-00-91
(+998 90) 966-00-92
«ECO ELEKTRON» ШК
www.artel.uz
Image of a gas stove



Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари иқтисодий рақобатда тобора мустақкам ўрин эгалламоқда. Кичик бизнес субъектлари ҳақида гап кетганда, табиийки, мазкур соҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки фаолияти ҳам тилга олинади. Ушбу банк молия бозорига беш йилдан зиёд вақт мобайнида иш юритиб келаётган бўлса, шу давр ичида юртимиз ишбилармонларига 760,8 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, 470,3 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Пировардида 430 мингга яқин иш ўринлари яратилди.

«Микрокредитбанк» дастлаб бошланғич сармояларини йилга 5 фоиз, микролизинг хизматларини эса йилга 7 фоизлик устама билан тақдим этгани унинг миқдорлари сафи кенгайишига асос бўлди. Шу тарихи мазкур банкнинг молиявий кўмагидан юртимизнинг олис ва чекка қишлоқларида яшов-

чи — черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. — Бу лойиҳани амалга оширишда «Микрокредитбанк»нинг 29 миллион 700 минг сўмлик кредитидан самарали фойдаландик, — дейди «Исмаиллаев Арслонбек» хусусий корхонаси раҳбари Рашид Раҳмонов. — Хозирги кунда корхонамиз-

да. Бу ислохотлар жараёнида «Микрокредитбанк» жамоаси ҳам ўз молиявий хизматлари билан иштирок этиб келмоқда. Пировардида аёлларнинг ўз бизнес лойиҳаларини амалга оширишлари учун сармоялар ажратилаётгани жойларда тadbиркорликнинг дўппидўзлик, тикучилик, зардўзлик, каштачилик син-

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили



қўшимча иш ўринлари ташкил этилди. «Микрокредитбанк» хотин-қизлар ўртасида тadbиркорликни

нинг тadbиркорлик юзларини юзга чиқариш учун тақдим этилди.

Банк томонидан тadbиркорликни ривожлантириш ва уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги амалга оширилаётган бу каби ишларда, айниқса, Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги Фармони дастуриламал бўлмоқда. Чунки банкда, Фармонда белгиланганидек, 2011 йил 1 сентябрдан эътиборан, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига миллий валютадаги ҳисоб рақамлар бепул очил йўлга қўйилиб, кредит олувчиларнинг аризаси 3 банк иш кунига кредит қўмитасида кўриб чиқилмоқда.

Банк жамоасининг бундай саъй-ҳаракатлари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқдосда ҳам эътирофга сазовор бўлаётгани қувонarli. Утган йили дунёдаги нуфузли нашрлардан бири — «The Banker» журнали томонидан «Микрокредитбанк» жаҳоннинг 140 дан ортиқ етакчи молия муассасалари орасида Ўзбекистоннинг энг яхши банки сифатида тан олингани, 2010 йил якунида бўйича Италиянинг ижтимоий йўналишлардаги «MicroFinanzaRating» компанияси унга халқаро миқдосдаги «BB» меъёрларига мувофиқ «Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўйбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоли юқори бўлган банк» рейтингини бергани фикримизга яққол мисол бўла олади.

Шу билан бирга, Польшадаги Халқаро Молиявий марказ, Тайвандаги «Осиё банкирлари уюшмаси» аъзоси ҳисобланган «Микрокредитбанк» фаолиятини халқаро «Fitch Ratings» агентлиги «В» «Барқарор» даражасига кўтаргани унинг иш тутуми амалда ўз самарасини бераётганининг яққол далилидир.

Мухтасар қилиб айтганда, «Микрокредитбанк» жамоасининг «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш йўлида амалга ошираётган ишлари мамлакатимиз аҳолисининг тadbиркорлик қобилиятини юзга чиқаришга, янги иш ўринлари яратишга, демаски, турмуш фаровонлигига ва иқтисодий рақобатининг барқарор ривожланишига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Банк матбуот хизмати.

«Микрокредитбанк»: ТАДБИРКОР ҲАМ ТАЯНЧ, ҲАМ МАДАДКОР

чи фуқаролар ҳам баҳраманд бўла бошладилар. Эътиборлики, бундай имтиёзлар кўламиди янада кенгайтириш чоралари кўрилади. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Фармони дастуриламал бўлди. Натижада амалдаги 5 фоизли микросармоялар миқдори 3 фоизга оширилди, микролизинг хизматлари устамаси камайтирилди. Ўз навбатида, банк устав капитали ортиб, 72 миллиард сўмдан 150 миллиард сўмга етди.

Айни пайтда республикамизда «Микрокредитбанк»нинг молиявий қўллаб-қувватлаши билан ўз фаолиятини йўлга қўйиб, юртимиз санъати ривожига ҳисса қўшаётган тadbиркорлар талайгина.

Қамашлик Рашид Раҳмонов шундай ишбилармонлардан бири. У банк филиали томонидан ажратилган маблағ эвазига туманда биринчилардан бўлиб қурилиш ашё-

да бир сменада 300-350 дона черепица ишлаб чиқарилиб, қурилиш ташкилотлари ва бошқа буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Муҳими, махсулотимиз нархи турдошлирига нисбатан анча арзон бўлгани боис, талаб тобора ортиб бормоқда. Масалан, кейинги йилларда бевосита Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар бунёд этилаётгани қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Бу эса, ўз навбатида, биз каби ишлаб чиқарувчилар зиммасига ҳам катта масъулият юкляпти. Шундан келиб чиқиб, махсулотларимиз турини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш чора-тadbирларини кўраёلمиз.

Айтиш жоизки, Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили муносабати билан банк фаолияти янада такомиллаштириш ҳамда сармоявий хизматлар кўлами кенгайиши баробарида, унинг миқозлари сони ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, йил бошидан буён парҳез гўшт махсулотлари ишлаб чиқаришда банк сармояларининг улуши катта бўлди. Бу борада, айниқса, Андижон, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ижобий натижаларга эришилди.

Биламизки, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятда хотин-қизлар фаолиятини ошириш, уларни тadbиркорликка жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқ-

дир. Турлари ривожланишига хизмат қилаётган.

Маълумки, республикамизнинг 14 туманини 2011 — 2013 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс чора-тadbирлар дастури ишлаб чиқилган. Уни амалга ошириш учун банк Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш амалга оширмоқда. Жумладан, дастур доирасида биригина Узун туманида санаят, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 178 та лойиҳа ижроси таъминланиши кўзда тутилган.

— Бунинг натижасида мазкур туманда 4 минг 238 та иш ўрни яратилди, — дейди банкнинг Микромолиялаш департаменти директори Зулфия Каримова. — Шу асосда хозирги кунгача қарийб 3,5 минг киши иш билан таъминланди. Уларнинг 1741 нафари хотин-қизлардир. Умуман, бугун туманда 400 та хусусий тadbиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 141 таси хотин-қизлар раҳбарлигидаги корхоналар ҳисобланади. Шу ўринда айтиш кераки, жорий йилда банкмиқдосда 100 га яқин тadbиркорлар ҳисоб рақам очиб, 50 та микрофирма ва кичик корхона банк маблағлари ёрдамида иш бошлади.

Яқка тартибдаги тadbиркор Мафтуна Норкулова ҳам банк томонидан кўрсатилган 2,5 миллион сўмлик микромолиявий хизмат ҳисобига гўзаллик салонини замонавий тарзда жиҳозлаб олди. Натижада бу ерда маҳалладошларга намунали хизмат кўрсатиш имкони яратилиб,

ривожлантириш борасида ўзига хос тажрибага эга. Яъни банк мутахассисларининг кредит ажратишдан аввал бўлажак тadbиркор аёлларни махсус ўқув курслари ва семинарларда ўқитиш аънанасини йўлга қўйгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган беш йил давомида фақатгина аёллар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлашга 98,1 миллиард сўм, жорий йилнинг тўққиз ойида эса 27,6 миллиард сўм миқдорда сўм сармоялар ажратилгани шундан далолат беради.

Банк томонидан, шунингдек, ўтган тўққиз ой ичида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига жами 225 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, бунинг натижасида 72 миңдан ортиқ иш ўрни ташкил этилгани эътиборга моликдир.

Бундан ташқари, банкда ёшларни тadbиркорликка жалб этиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар орқали 3 минг 849 та ёш оилаларга 21,4 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Ушбу маблағнинг 11,4 миллиард сўми улар-



ТРУБА ЗАВОДИ ҚК

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги махсулотларни хариддорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ACCENT

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

www.hyundai.com.uz

Tel. (8-371) 250-11-11

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

Ташкилотнинг ҳақлари ва шартлари ҳақида қўшимча маълумотларни «Халқ сўзи» газетасидаги «Эълонлар» бўлимида кўриш мумкин.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 263,2 ▲ +13,8	ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 241,4 ▼ -35,0	АРМАТУРА 3083,7 ▼ -43,9	ШИФЕР (1 лист) 16804 ▲ +58	АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1	Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.
----------------------------------	-----------------------------------	-------------------------	----------------------------	-------------------------------------	---

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 49557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;

Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Д. Улугмуродов. Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.20 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5